

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

РАХИМОВ МИРЗОХИД АЛИШЕР ЎҒЛИ

**КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАШ
УСУЛ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ
(Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.08 -Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Рахимов Мирзохид Алишер ўғли

Кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига фосфорли
ўғитларнинг қўллаш усул ва меъёрларини таъсири
(Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида)..... 3

Рахимов Мирзохид Алишер ўғли

Влияние методов и норм применения фосфорных удобрений на рост,
развитие и урожайность озимой пшеницы. (в условиях светлых
сероземных почв Кашкадарьинской области)..... 21

Rakhimov Mirzokhid Alisher o'gli

Influence of methods and norms of application of phosphorus fertilizers on
growth, development and yield of winter wheat. (in the conditions of light gray
soils of Kashkadarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

РАХИМОВ МИРЗОХИД АЛИШЕР ЎҒЛИ

**КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАШ
УСУЛ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ
(Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.08 -Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx206 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www. andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сиддиқов Равшан Иномжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Худайқулов Жонибек Бозарович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Санақулов Акмал Лапасович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «23» 11 2021 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй, АҚХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63, e-mail: agai_info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 08 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй, АҚХАИ. Ахборот-ресурс маркази. Тел.: +99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 11 куни тарқатилди.
(2021 йил «10» 11 даги 08 рақамли реестр баённомаси).




А.Исашов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор


С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., профессор в.б.


К.С.Комилов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда минерал ўғитлар бозорида Хитой (25%), Ҳиндистон (13%), АҚШ (10%) ва Россия (8%) давлатлари пешқадамлик қилмоқдалар. “Дунёнинг фосфорли ўғитлар бозорида 175 дан ортиқ мамлакатлар истеъмолчи сифатида, 30 га яқин мамлакатлар фосфорли хом ашёси билан ва 40 га яқин мамлакатлар эса фосфор кислотаси ва тайёр маҳсулотлари билан иштирок этиб келмоқда”¹. 2016 йилдан 2021 йилгача Хитой давлати фосфор бирикмаларига асосланган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллаб, жаҳон фосфорли ўғитлар бозорида улуши 37% ни ташкил этди. Кейинги ўринларни АҚШ (12%), Ҳиндистон (10%), Марокаш ва Россия (6,5%) давлатлари эгаллаб келмоқдалар. Бошқа мамлакатларнинг фосфорли минерал ўғитлар бозоридаги улуши 20% дан ошмайди.

Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун минерал ўғитларга бўлган талаби IFA нинг ҳисоб–китобларига кўра, “2020 йилга келиб, 200 миллион тоннани ташкил этиб, калийли ўғитлар 13 фоизга, фосфорли ўғитлар 10 фоизга, азотли ўғитлар 6 фоизга ошганлиги кузатилган”². Аммо жаҳон деҳқончилигида фосфорли ўғитларни қўллаш усуллари ва меъёрларини такомиллаштириш, янги инновацияларни жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш борасида тупроқ ҳолатига ҳамда етиштириладиган экин турига боғлиқ ҳолда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ–овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш бўйича чора тадбирлар амалга оширилмоқда”³. Шу ўринда ғаллачиликни янада ривожлантиришда замонавий илғор агротехнологияларни жорий этиш, ҳар бир навни аниқ тупроқ–иқлим шароитларида мақбул муддат ва меъёрларда экиб, озиқлантириш режимини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун 2021 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини соф ҳолда 274 минг тоннага, шундан азотли ўғитларни 246,3 минг тоннага, фосфорли ўғитларни 21,8 минг тоннага ва калийли ўғитларни 6,0 минг тоннага ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29.03. даги “2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тасдиқлаш тўғрисида”⁴ ги қарорининг қабул қилиниши, бугунги кунда минерал ўғитлардан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим эканлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада

¹ <https://review.uz/post/mineralne-udobreniya-trend-mirovogo-rnka-i-uzbekistana>

² <https://propozitsiya.com/ekonomika-ispolzovaniya-mineralnyh-udobreniy-v-selskom-hozyaystve>

³ <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-ishlo-kh-zhaligi-khodimlariga-06-12-2019>

⁴ <https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda-yangi/2021-yilda-mineral-ugitlarni-ishlab-chiqarish-kursatkichlari-belgilandi>

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947–сонли Фармонининг 3.3–бандида қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ва атроф–муҳит экологиясига зарарини камайтириш бўйича белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг суғориладиган тупроқлари шароитида кузги буғдойга фосфорли ўғитларни қўллаш меъёрларини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича Т.Ходжакулов, Н.Халилов, Р.Сиддиқов, И.Эгамов, П.Бобомирзаев, З.Зиёдуллаев, Ж.Худойқулов, Р.Орипов, С.Абдурахмонов, И.Абдуллаев, О.Аманов, Н.Ёдгоров, М.Азимова, хорижда R.Costa; N.Shafer; Wan Pu, D.Fowler, F.Mario каби олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида фосфорли ўғитларни қўллаш усуллари ва меъёрларини кузги юмшоқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий–тадқиқот институти Қашқадарё филиали илмий–тадқиқот ишлари режасининг №ВА-ҚХФ-5-014. “Республиканинг жанубий минтақалари ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда, фосфорли ўғитларни қўллашнинг мақбул усул ва меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тупроқнинг агрофизик хоссаларига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- тупроқнинг агрокиёвий хусусиятларига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кўчатларнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдойнинг ривожланиш даврларининг давомийлигига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдойнинг умумий ва маҳсулдор поялар сонига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

- кузги буғдойнинг барг сатҳига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдойнинг биологик ҳосилдорлигига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдой бошоғининг биометрик кўрсаткичларига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда мақбул фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини ишлаб чиқиш;
- кузги буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;
- кузги буғдой етиштиришда фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, кузги буғдойнинг “Ғозғон” нави, фосфорли ўғитлар аммофос, PS–agro ҳамда нитрофос (НКФУ) ўғитлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёри, кузги юмшоқ буғдойнинг уруғларини униб чиқиши, ўсимликнинг қишлаш даражаси, ўсиши ва ривожланиши, ҳосил структураси, ҳосилдорлиги, доннинг (технологик) сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тажрибалари Бутунроссия ўсимликшунослик илмий–тадқиқот институти услуги (1985) бўйича амалга оширилган. Фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар эса Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси (1989) бўйича, дон ҳосили ва дон таркибидаги оксил, клейковина, шишасимонлик, натура, 1000 дона дон вазни доннинг технологик хусусиятларини ўрганиш методикаси (1976) бўйича, тупроқларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий таҳлиллари «Методы агрофизических, агрохимических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963) бўйича, натижаларини математик статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида фосфорли ўғитлардан аммофос, PS-agro ўғитларини кузги буғдойга қўлланилганда шудгор остига аммофос 90, калий 60 кг/га меъёрларда қўлланилганида тупроқнинг ҳажм массаси 0,04-0,02 г/см³ га камайиб, ғоваклиги 1,36-0,86% га, ортганлиги, уруғлар экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 90, калий 60 кг/га меъёрларда қўлланилганида эса тупроқнинг ҳажм массаси 0,03-0,02 г/см³ га камайиб, ғоваклиги 1,11-0,86% га ортиб, агрофизикавий хоссалари яхшиланганлиги аниқланган;

кузги буғдой уруғларини экиш олдидан шудгор остига аммофос 90, калий 60 кг/га меъёрларда қўллаш маҳсулдор поялар сонини 118,8 дона/м² га, уруғлар экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 90, калий 60 кг/га меъёрларда қўллаш маҳсулдор поялар сонини 99,7 дона/м² га юқори бўлишини таъминлаши аниқланган;

шудгор остига аммофос 90, калий 60 кг/га, вегетация даври давомида азотли ўғит 200 кг/га меъёрларда қўллаш дон ҳосилдорлиги 26,1 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 29,5 ц/га юқори бўлишини таъминлаб, рентабеллик даражаси 37,9% ни ташкил этганлиги аниқланган;

уруғлар экилганидан сўнг эгат юзасида PS-agro 90, калий 60 кг/га, вегетация даври давомида азотли ўғит 200 кг/га меъёрларда қўллаш дон ҳосилдорлиги 23,4 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 25,2 ц/га юқори бўлишини таъминлаб, рентабеллик даражаси 33,8% ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кузги буғдой уруғларини экиш олдидан шудгор остига аммофос 90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўллаш, шудгор остига PS-agro ва нитрофос (НКФУ) 90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан кўчатларнинг униб чиқишини 7,0–13,3 дона/м² га, ўсув даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлигини 8,7–16,8 дона/м² га, умумий поялар сонини 21,6–40,4 дона/м² га, маҳсулдор поялар сонини 19,8–37,6 дона/м² га, дон ҳосилдорлигини 2,2–4,8 ц/га, сомон ҳосилдорлигини 2,8–5,5 ц/га юқори бўлишини таъминлаб, рентабеллик даражаси 37,9% ни ташкил этганлиги аниқланган;

Кузги буғдой уруғлари экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўллаш, эгат юзасига аммофос ва нитрофос (НКФУ) 90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 5,5–19,0 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 4,7–20,2 дона/м² га, умумий поялар сони 10,3–44,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 9,9–40,7 дона/м² га, дон ҳосилдорлиги 3,9–3,5 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 2,9–2,3 ц/га юқори бўлганлиги аниқланиб, рентабеллик даражасини 33,8% бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга мамематик–статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир–бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробация кўригидан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий–амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, кузги буғдой етиштиришда фосфорли ўғитлар қўллашнинг усул ва меъёрларини тадқиқ қилинганлиги, кузги буғдой уруғларининг униб чиқиши, кўчат қалинлиги, ўсимликларнинг ўсиш–ривожланиши, ҳосил элементлари ва дон ҳосилдорлигининг мақбуллашганлиги, дон технологик сифати ва ҳосилдорликнинг оширилиши асносида иқтисодий самарадорликнинг барқарор ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, суғориладиган оч тусли бўз

тупроқлар шароитида кузги буғдойни фосфорли ўғитлар турлари билан озиклантиришда уруғларни экиш шароитига боғлиқ ҳолда қўллаш усуллари ҳамда меъёрлари очиб берилган. Бу технологияни қўллаш тупроқнинг агрофизик хоссаларининг яхшиланишига, уруғларнинг униши, ўсимликни қишлоқ даражаси ва кўчат қалинлигини сақланиши, ўсиши ва ривожланиши, ҳосил структураси ва ҳосилдорлиги, доннинг (технологик) сифат кўрсаткичларини ошиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузги буғдой етиштиришда фосфорли ўғитларни қўллаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Кузги буғдойни етиштиришда фосфорли ўғитларни қўллаш усуллари» номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02/021–3689–сон маълумотномаси). Натижада ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

фосфорли ўғитларни қўллаш технологияси Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани фермер хўжаликларида аммофос ўғитини шудгор остига 60–90 кг/га меъёрларда қўллаш технологияси 183 гектар майдонга, PS–агро фосфорли ўғитини эгат юзасига 60–90 кг/га меъёрларда қўллаш технологияси 120 гектар майдонга, Миришкор тумани фермер хўжаликларида аммофос ўғитини шудгор остига 60–90 кг/га меъёрларда қўллаш технологияси 72 гектар майдонга, PS–агро фосфорли ўғитини эгат юзасига 60–90 кг/га меъёрларда қўллаш технологияси 60 гектар майдонга, вилоят бўйича жами 434 (шудгор остига 254 га, эгат юзасига 180 га) гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02/021–3689–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида анъанавий усулда етиштирилган кузги буғдой майдонларига нисбатан гектарида 6,1–12,6 центнер қўшимча дон ҳосили олинган;

оч тусли бўз тупроқлари шароитида фосфорли ўғитларни самарали қўллаш агротехнологияси ишлаб чиқилган бўлиб, бунда фосфорли ўғитларни шудгор остига аммофос ўғитини 90 кг/га миқдоридан, шудгор остига қўлланилмаган майдонларда уруғ экилганидан сўнг эгат юзасига PS–агро фосфорли ўғитини эгат юзасига қўллаш юқори самара бериши аниқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02/021–3689–сон маълумотномаси). Ушбу технологияни қўллаш натижасида ғалла етиштиришда рентабеллик даражаси 5,5–2,5 фоизга ортганлиги қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ), Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланиб, тадқиқот натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот усуллари ва услублари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари юзасидан нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига фосфорли ўғитларнинг қўллаш усул ва меъёрларини таъсири бўйича олиб борилган илмий адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий шароитларда олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари шарҳланган.

Шунингдек, фосфорли ўғитларни кузги буғдой етиштиришдаги аҳамияти, қўллаш муддатлари, усуллари ва меъёрларини кўчатларнинг униб чиқишига, кишки совуқларга ва ташқи омилларга бардошлилигига, ўсиб-ривожланишига, дон ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири ва самарадорлиги юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий тупроқ иқлим шароити ва ўтказиш услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба майдони тупроғининг дастлабки агрофизик ҳамда агрохимёвий хоссалари, тупроқ ва ўсимликлар устида олиб бориладиган таҳлиллар ва фенологик кузатувлар услублари ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг тажриба даласида олиб борилган бўлиб, тупроғи озиқа элементлари билан ўрта даражада таъминланганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилган бўлиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва фенологик кузатувлар олиб боришда «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (М, Колос, 1964), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, 2007), тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см. қатламларидан агрофизик (ҳажм масса,

Ғоваклик, сув ўтказувчанлик) ҳамда агрокимёвий хоссаларини аниқлашда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган холда олиб борилган. Тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.Доспехов (1985)нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Агрокимёвий таҳлилларни олиб боришда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см. қатламларидан тупроқ наъмуналари олиниб, гумус миқдори И. В. Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А. Ф. Гриценко, И. М. Мальцева, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б. П. Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П. В. Протасов, тупроқнинг ҳажм массаси (Н.А.Качинский) цилиндр усулида аниқланган.

Тажриба тизими 18 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда, бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгатлар кенглиги 60 см, эгат узунлиги 100 м. Тажрибада кузги буғдойнинг “Ғозғон” нави экилди. Ҳар бир бўлакчалар майдони 480 м², шундан ҳисобга олинадиган майдон 240 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,6 гектарни ташкил этади.

Тажрибада фосфорли ўғитларнинг уч хил (аммофос N-11-12% P₂O₅-46%), PS-agro (N-6% 31-41% P₂O₅) ва нитрофос (НКФУ) (N-6% P₂O₅-16%) (Аммофос 0-60-90 кг/га) тури икки хил (шудгор остига, эгат юзасига) қўллаш усулда ўрганилди. Тажриба вариантларига азотли ва калийли ўғитлар бир ҳилда N-200 кг/га ва K₂O-60 кг/га миқдоридида қўлланилган.

Бунда, фосфорли ўғитнинг уч хил тури қўлланилган фонларида ҳам маъданли ўғитларнинг уч хил меъёри белгиланган бўлиб, биринчи меъёрда азотли ва калийли ўғитларга қўшимча равишда фосфорли ўғитлар қўлланилмади. Иккинчи меъёрда азотли ва калийли ўғитларга қўшимча равишда фосфорли ўғитлар 60 кг/га меъёрида қўлланилди. Учинчи меъёрда азотли ва калийли ўғитларга қўшимча равишда фосфорли ўғитлар 90 кг/га меъёрларда қўлланилди.

Тажриба тизимида келтирилган фосфорли ўғитлар икки хил, шудгор остига ҳамда эгат юзасига қўлланилган бўлиб, фосфорли ўғитларни қўллаш усуллари кузги буғдой ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда иктисодий кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

Кузги буғдойни озиклантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N-34,6%), калийли ўғитлардан калий хлор тузи (K₂O-60%) ишлатилди. Калийли ўғитларнинг 100% миқдоридида кузги шудгор остига, азотли ўғитларнинг йиллик меъёри кузги буғдойнинг туplash даврида 40% (80 кг/га), найчалаш даврида 40% (80 кг/га) ва бошоқлаш фазасида 20% (40 кг/га) миқдоридида қўлланилди.

Диссертациянинг «**Фосфорли ўғитлар қўллаш усул ва меъёрларини тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини тупроқнинг агрофизик хоссаларидан тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлик хоссаларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, фосфорли ўғитларни шудгор остига қўллаш фонидида аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азот 200 кг/га меъёрларда

қўлланилганда, назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг зичланиши 0,02-0,03 г/см³ га кам бўлиб, ғоваклиги 0,74-1,11% га, тупроқнинг сув ўтказувчалиги эса 20-32 м³/га юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, шудгор остига PS-агро ва нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азот 200 кг/га меъёрларда қўлланилгани вариантларга нисбатан тупроқнинг зичланиши 0,01 г/см³ гача кам, тупроқнинг ғоваклик хоссалари 0,37% гача, тупроқнинг сув ўтказувчалиги эса мос равишда 6-7 дан 15-17 м³/га гача юқори бўлганлиги кузатилган.


Фосфорли ўғитларни уруғлар экилганидан сўнг эгат юзасига қўллаш фониди эса, PS-агро 60-90, калий 60 кг/га, азотли ўғит 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг зичланиши ўртача 0,02-0,03 г/см³ га кам бўлиб, ғоваклиги 0,74-1,11% га, тупроқнинг сув ўтказувчалиги 18-29 м³/га юқори бўлганлиги қайд этилган бўлса, эгат юзасига аммофос ва нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азот 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан тупроқнинг зичланиши 0,01 дан 0,02 г/см³ гача кам бўлиб, тупроқнинг ғоваклик хоссалари 0,37% дан 0,74% гача, тупроқнинг сув ўтказувчалиги эса 9-7 дан 14-17 м³/га гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдойни ўсиши ва ривожланишига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларининг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдой кўчатларини униб чиқиши ва кўчат қалинлигига, вегетация даври давомийлигига, бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳига, биологик ҳосилдорлигига, бошоғининг биометрик кўрсаткичларига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, донининг технологик сифат кўрсаткичларига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларининг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба майдонидан олинган маълумотларни вариантлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, кузги буғдой уруғларини экиш олдидан шудгор остига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, шудгор остига аммофос ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан кўчатларни униб чиқиши 52-66 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиши кўрсаткичи 10,4-13,2% га юқори бўлиши билан бирга қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,5-2,1% га, эрта баҳордан амал даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,0-1,4% га кам бўлгани ҳолда амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 51,6-67,2 дона/м² га юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, шудгор остига PS-агро 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантга нисбатан кўчатларни униб чиқиши 8,0-9,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи 1,6-1,9% га юқори, қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,5-0,4% га, эрта баҳордан амал даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,5-0,3% га кам бўлгани ҳолда амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 10,4-10,7 дона/м² га юқори, шудгор остига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантга нисбатан эса кўчатларни униб чиқиши 14,0-15,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи 2,8-3,1% га юқори, қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,7-0,8% га, эрта баҳордан амал

даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,6-0,5% га кам бўлгани ҳолда амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 16,5-18,0 дона/м² га юқори натижа олинганлиги қайд этилган.

Кузги буғдой уруғлари экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, эгат юзасига PS-agro қўлланилмаган вариантга нисбатан кўчатларни униб чиқиши 47,0-62,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи 9,4-12,5% га юқори натижа кўрсатиб, қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,8-1,4% га, эрта баҳордан амал даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,8-1,4% га кам бўлиб, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 44,0-61,4 дона/м² га юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, эгат юзасига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантга нисбатан кўчатларни униб чиқиши 6,0-5,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи 1,2-1,1% га юқори, қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,4% га, эрта баҳордан амал даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,3-0,5% га кам бўлиб, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 4,5-4,9 дона/м² га юқори, эгат юзасига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантга нисбатан эса кўчатларни униб чиқиши 17,5-20,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи 3,5-4,1% га юқори, қишда кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,3-0,5% га, эрта баҳордан амал даври охиригача кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,6-0,8% га кам бўлиб, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 17,6-21,9 дона/м² га юқори бўлганлиги кузатилди.




1-диаграмма. Кўчатларнинг униб чиқиши ва қалинлигига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини таъсири, 2016–2017 йй.

Кузги буғдой уруғларини экиш олдида шудгор остига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, амал даври охирига (1.06) бориб, шудгор остига аммофос ўғити

қўлланилмаган вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 6,9-11,5 см га, умумий поялар сони 88,1-121,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони эса 79,4-112,1 дона/м² га юқори эканлиги аниқланган бўлса, шудгор остига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан ўсимликнинг бўйи 1,9-1,8 см га, умумий поялар сони 21,6-26,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 19,7-23,7 дона/м² га, шудгор остига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса ўсимликнинг бўйи 3,4-3,2 см га, умумий поялар сони 36,6-43,4 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 33,1-40,2 дона/м² га юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.

Кузги буғдой уруғлари экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, амал даври охирига (1.06) бориб, эгат юзасига PS-agro фосфорли ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 4,3-8,2 см га, умумий поялар сони 80,2-112,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони эса 71,7-103,5 дона/м² га юқори бўлган бўлса, эгат юзасига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан ўсимликнинг бўйи 0,9-1,4 см га, умумий поялар сони 13,1-10,6 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 11,8-10,2 дона/м² га, эгат юзасига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса ўсимликнинг бўйи 2,3-3,1 см га, умумий поялар сони 44,4-51,7 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони мос равишда 39,7-47,4 дона/м² га юқори натижа кўрсатгани аниқланган.



2-диаграмма. Кузги буғдой бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларининг таъсири, дона/м² (2017 йил).

Фосфорли ўғитларни кузги буғдой ўсимлигининг барг сатҳига таъсири аниқланганида, юқоридаги қонуниятларга мос маълумотлар олинганлиги кузатилиб, кузги буғдой уруғларини экиш олдида шудгор остига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда

қўлланилган вариантда ўсимликнинг барг сатҳи мос равишда майсалаш фазасида 7962,9-9097,2 м²/га ни, туплаш фазасида 18620,0-21318,0 м²/га ни, найчалаш фазасида 44700,0-48825,0 м²/га ни, бошоқлаш фазасида 57664,0 - 62366,2 м²/га ни, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 50821,8-54948,9 м²/га ни, мум пишиш даврида эса мос равишда 47717,1-52037,7 м²/га ни ташкил этиб, шудгор остига аммофос ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан майсалаш фазасида 1723,9-2858,2 м²/га, туплаш фазасида 4829,9-7527,9 м²/га, найчалаш фазасида 9412,0-13537,0 м²/га ни, бошоқлаш фазасида 11050,3-15752,5 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 10500,6-14597,7 м²/га ни, мум пишиш даврида 9442,8-13763,4 м²/га юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган бўлса, шудгор остига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан барг сатҳи майсалаш фазасида 7807,1-8889,3 м²/га, туплаш фазасида 17075,1-19624,8 м²/га, найчалаш фазасида 42506,1-46407,9 м²/га, бошоқлаш фазасида 55044,2-59178,6 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 47981,8-51920,4 м²/га, мум пишиш даврида эса 45616,5-49448,0 м²/га, шудгор остига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса майсалаш фазасида 7698,8-8771,7 м²/га, туплаш фазасида 15721,2-18144,7 м²/га, найчалаш фазасида 41078,0-44436,0 м²/га, бошоқлаш фазасида 53397,5-56579,8 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 46452,0-49809,6 м²/га ни, мум пишиш даврида эса тегишли равишда 43797,6-46696,5 м²/га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Кузги буғдой уруғлари экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантда ўсимликнинг барг сатҳи ўрганилганида, майсалаш фазасида 7852,7-9011,1 м²/га ни, туплаш фазасида 17140,9-19431,0 м²/га ни, найчалаш фазасида 43034,6-46863,0 м²/га ни, бошоқлаш фазасида 54990,0-59104,0 м²/га ни, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 47642,0-51866,5 м²/га ни, мум пишиш даврида эса 44919,6-49004,9 м²/га ни кўрсатиб, эгат юзасига PS-agro фосфорли ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан майсалаш фазасида 1622,2-2780,6 м²/га, туплаш фазасида 3684,1-5974,2 м²/га, найчалаш фазасида 8762,5-12590,9 м²/га, бошоқлаш фазасида 8436,7-12550,7 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 7345,2-11569,7 м²/га, мум пишиш даврида 6696,9-10782 м²/га юқори натижалар олинган бўлса, эгат юзасига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан барг сатҳи майсалаш фазасида 99,8-109,1 м²/га, туплаш фазасида -109,9-103,8 м²/га, найчалаш фазасида 2119,5-2487,9 м²/га, бошоқлаш фазасида 1306,2-1721,7 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 1261,0-1714,5 м²/га, мум пишиш даврида эса мос равишда 878,2-1325,3 м²/га, эгат юзасига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса майсалаш фазасида 307,9-413,5 м²/га, туплаш фазасида 2482,9-2796,8 м²/га, найчалаш фазасида 4561,2-3719,5 м²/га, бошоқлаш фазасида 3522,8-4982,0 м²/га, пишиш фазасининг сут пишиш даврида 3282,5-4704,9 м²/га ни, мум пишиш даврида эса 2799,2-4496,8 м²/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдой уруғларини экиш олдидан шудгор остига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, амал даври охирига бориб, шудгор остига аммофос ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан бир бошоқнинг ўртача бўйи 1,7-2,5 см га, бир бошоқдаги донлар сони 2,5-3,3 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,170-0,254 граммга, 1000 дона дон вазни 1,9-3,2 граммга ҳамда доннинг натура оғирлиги 30,2-47,3 г/л га юқори эканлиги аниқланган бўлса, шудгор остига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан бир бошоқнинг ўртача бўйи 0,2-0,4 см. га, бир бошоқдаги донлар сони 0,5-0,3 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,036-0,032 граммга, 1000 дона дон вазни 0,4-0,5 граммга ҳамда доннинг натура оғирлиги 2,8-8,3 г/л га, шудгор остига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса бир бошоқнинг ўртача бўйи 0,4-0,6 см га, бир бошоқдаги донлар сони 0,7-0,6 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,055-0,060 граммга, 1000 дона дон вазни 0,7-0,9 граммга ҳамда доннинг натура оғирлиги 7,4-15,5 г/л га юқори натижа кўрсатгани қайд этилди.

Кузги буғдой уруғлари экилганидан сўнг эгат юзасига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилганида, амал даври охирига бориб, эгат юзасига PS-agro қўлланилмаган вариантга нисбатан бир бошоқнинг ўртача бўйи 0,8-1,4 см га, бир бошоқдаги донлар сони 2,0-2,9 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,131-0,214 граммга, 1000 дона дон вазни 1,4-2,6 граммга ҳамда доннинг натура оғирлиги 20,7-26,8 г/л га юқори натижа олинган бўлса, эгат юзасига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан бир бошоқ узунлиги 0,1 см га, паст, аммо бир бошоқдаги донлар сони 0,3-0,4 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,028-0,032 граммга, 1000 дона дон вазни 0,4 граммгача ва доннинг натура оғирлиги 4,8-4,5 г/л га, эгат юзасига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса бир бошоқ узунлиги 0,1 см га, бир бошоқдаги донлар сони 0,5-0,9 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,043-0,068 граммга, 1000 дона дон вазни 0,6-0,8 граммга ҳамда доннинг натура оғирлиги 5,0-6,1 г/л га юқори натижа олинганлиги кузатилган.

Кузги буғдой уруғларини экиш олдидан шудгор остига аммофос 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантлардан уч йилда ўртача 61,0-70,2 ц/га дона ва 66,9-77,4 ц/га сомон ҳосили олиниб, шудгор остига аммофос ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан дон ҳосили 16,9 ц/га, сомон ҳосили 26,1 ц/га юқори эканлиги аниқланган бўлса, шудгор остига PS-agro 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан дон ҳосили 1,5-2,2 ц/га, сомон ҳосили 1,9-2,8 ц/га гача, шудгор остига нитрофос (НКФУ) 60-90, калий 60 кг/га, ўсув даври давомида азотли ўғитни 200 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларга нисбатан эса дон ҳосили 3,4-4,8 ц/га, сомон ҳосили 4,1-5,5 ц/га қўшимча сифатида олинганлиги қайд этилди.

